SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 30-iyun. Payshanba • 76 (32.135) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 июнь куни Оқсаройда Польша Республикаси, Венгрия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Корея Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Петр Ивашкевич, Петер Санто, Ерик Утембаев, Содиқ Имомий, Квон Ён У, Сайид Шаҳобиддин Темурийдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари Европа ва Осиё дипломатик миссиялари раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришини таъкидлади ва уларнинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Польша элчиси билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганидан буён ўтган 24 йил давомида кўп қиррали ва самарали мулоқот йўлга қўйилиб, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича ижобий тажриба тўплангани ва ҳамкорликнинг қарийб 50 ҳужжатдан иборат салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асоси шаклланган таъкидланди.

Петр Ивашкевич Ўзбекистон халқи польшаликлар қалбидан алоҳида жой олганини таъкидлади. Польшада Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган фуқароларга кўрсатилган ёрдам юксак қадрланади ва бу ўзаро муносабатларга алоҳида самимият бағишлайди.

Венгрия элчиси билан суҳбатда Ўзбекистонда Венгрияга мамлакатимизнинг Шарқий Европа ва умуман, Европа иттифоқидаги анъанавий ва муҳим шериги сифатида қаралиши қайд этилди.

Олий мақом ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида икки томонлама муносабатларга мустаҳкам асос яратилган ва келажакдаги ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

Венгриянинг қароргоҳи Тошкентда бўлган биринчи элчиси сифатида фаолият бошлаган Петер Санто турли соҳаларда Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигининг мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшишни Ўзбекистондаги миссиясининг асосий йўналиши деб билишини таъкидлади.

Ерик Утембаев билан суҳбатда Ўзбекистон ва Қозоғистон мустақилликка эришганидан буён ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли умумий манфаатларига асосланган ҳамкорликнинг янги даражасига эришилгани таъкидланди.

2016 йилнинг 14-15 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон музокаралари ўзаро алоқаларда муҳим ўрин эгаллаб, кенг қўламли масалалар, жумладан, минтақавий муаммолар ҳамда ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича фикр алмашиш имконини берди. 2015 йилда ўзаро савдо ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди, транспорт, коммуникациялар ва транзит соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг ижобий тенденциялари кузатилмоқда.

Қозоғистон элчиси ўзаро манфаатли муносабатлар бўйича тўпланган тажрибани асраш ва бойитиш, ҳар икки давлат ва халқ манфаати учун амалий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш Ўзбекистондаги дипломатик миссияси диққат марказида бўлишини таъкидлади.

Тожикистон элчиси билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларининг тақдирини умумий тарих, маънавий қадрият ва анъаналар боғлаб туриши таъкидланди. Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ саммити асносида Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ўртасида ўтказилган учрашув ҳамда унда эришилган келишувлар Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Содиқ Имомий янги тайинланган элчи сифатида ўзаро ҳамкорликни изчил мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Корея Республикаси элчиси билан суҳбатда Жанубий Кореянинг Бош вазири Хван Гё Аннинг яқинда Ўзбекистонга келгани ва 21 май куни кенг кўламли қўшма лойиҳа — Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг расмий очилишига бағишлаб ўтказилган маросим мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлгани таъкидланди.

Элчи Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ҳурмат-эҳтиромини етказар экан, Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни бундан буён ҳам янада мустаҳкамлаб, янги мазмун билан бойитишга тайёр эканини, ушбу мақсадларга эришиш учун бутун куч-ғайратини ишга солишини таъкидлади.

Афғонистон элчиси билан учрашувда кўп асрлик яқин қўшничилик ва бир-бирига ёрдам бериш анъаналари Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси экани қайд этилди.

Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон мутахассислари иштирокида Афғонистонни ташқи дунё билан боғлайдиган ягона Термиз — Мозори Шариф темир йўл тармоғи барпо қилинди, бошқа инфратузилма лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда. Афғонистонга, жумладан, Кобул шаҳрига электр энергияси узлуксиз етказиб берилмоқда.

Сайид Шаҳобиддин Темурий Афғонистон халқи Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашга амалий ёрдам кўрсатаётганидан чуқур миннатдор эканини таъкидлади.

Президентимизнинг хорижий давлатлар элчилари билан суҳбати чоғида минтақавий ва халқаро сиёсатга доир долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ НУТҚИ

Илгари хабар қилинганидек, шу йилнинг 22 июнь куни Президент Ислом Каримов мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпин билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб, депутатлар ва сенаторлар билан учрашди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг мазкур учрашувда сўзлаган нутқи матни эълон қилинмоқда.

Муҳтарам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари!

Қадрли хитойлик дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Бугун шу мухташам залда нафақат мамлакатимиз интеллектуал оламининг таниқли намояндалари, айни вақтда, таъбир жоиз бўлса, бутун Ўзбекистоннинг тимсоли, халқимиз барча қатламларининг вакиллари бўлган инсонлар йиғилган. Юртимизда содир бўлаётган улкан ислоҳот ва ўзгаришларга, Ўзбекистоннинг барқарор суръатлар билан ривожланишига, бир сўз билан айтганда, биз эришаётган муҳим ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган, бу жараёнларда депутат ва сенатор бўлишидан аввал ҳам фаол иштирок этган одамлар ўтирибди.

Бугун сиз, азизлар — парламентимизнинг ҳар икки палатаси вакиллари ўз юксак мавқеингиз билан мамлакатимизда амалга оширилаётган янгланиш жараёнларининг ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатмоқдасиз. Сизларнинг орангизда мен доимо «азиз фарзандларим» деб ўз меҳрим ва эътиборимни билдирадиган ёш авлодимизнинг ҳам кўплаб вакиллари борлиги мени айниқса хурсанд этади. Ишонаманки, сизлар нафақат ёшларимиз, балки бутун Ўзбекистон халқининг манфаатларини ифода этасиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда турли соҳаларда қўлга киритилаётган улкан натижалар сайловларда сизу бизга ишониб, овоз берган одамларнинг, халқимизнинг орзу-ниятлари албатта амалга ошади, деб айтишга тўла асос беради.

Мана, ўзингиз гувоҳсиз, бугунги кунда биз кейинги ўн йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича 8 фоиздан зиёд кўрсаткичга эришмоқдамиз. Бундай юксак марраларга эришиш учун бизнинг ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, яқин ҳамкоримиз бўлган, бизнинг дўстимиз Си Цзиньпин раҳбарлик қилаётган Хитой мамлакатининг тажрибасини ўрганиб иш олиб бораётганимиз сизларга яхши маълум. Хитойнинг қандай катта ўсиш суръатлари билан тараққий этаётгани, бир пайтлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 10-12 фоизни ташкил этганидан ҳам сизлар албатта хабардорсиз.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бу залда Ўзбекистонга ким амалда дўсту ким оғизда дўст эканини яхши биладиган одамлар ўтирибди. Бу ҳақда гапиришимнинг боиси шундаки, бизнинг бундай ўсиш суръатларимизга қандайдир ғайирлик билан қарайдиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Биз фақат бир нарсани, яъни, бутун инсоният каби, дунёнинг энг илғор ва ривожланган давлатлари каби муносиб ҳаёт кечиришни истаймиз. Ҳозирги кунда Хитой шундай юксак ривож топган давлатлардан бири эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун биз ўз зиммасига катта бир масъулиятни — Хитой Халқ Республикасидек буюк давлатни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш вазифасини олган етакчи билан учрашиб турибмиз. Ҳаммамиз яхши биламиз, ислоҳотчи шахсларнинг ҳаёти осон кечмайди. Ислоҳотчи бир ишни бошладими, уни охиригача етказмасдан қўймайди, ўз мақсадига етмагунча ҳеч қачон тиниб-тинчимайди. Бугун жаноб Си Цзиньпин ўзаро суҳбатимиз давомида ўз мамлакати буюк хитой ислоҳотчиси Дэн Сяопин раҳбарлигида ривожланиб, улкан натижаларга эришганидан буён 25-30 йил ўтганини, бугунги ҳаёт талабларини чуқур англаган ҳолда, у ана шундай ўта оғир ва мураккаб вазифани, яъни Хитойни янада тараққий топган давлатга айлантириш масъулиятини ўз зиммасига олганини айтди. Ҳозирги вақтда Хитой мамлакати унинг Раиси раҳнамолигида ана шу тараққиёт йўлини изчил давом эттираётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Биз ҳам ўзимиз танлаган, ҳар томонлама чуқур ўйланган ислоҳотлар йўлидан қатъият билан бориб, улкан муваффақиятларга эришмоқдамиз. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етиб бориш учун бу ҳали етарли эмас. Аввалambor, янада жадал тараққий этишимизга халақит қилаётган, йўлимизда ғов-тўсиқ бўлиб турган айрим масалаларни қайта кўриб чиқишимиз зарур. Бу, албатта, ниҳоятда масъулиятли вазифадир.

Бу ҳақда гапирганда, бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки йилларда бизга ҳеч ким четдан келиб ёрдам бергани йўқ. Агар 25 йил олдинги тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани яққол аён бўлади. Бизга эски мустабид тузумдан бирёқлама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан хомашё етказиб беришга мослашган заиф ва ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Пахтани ўзимиз етиштирар эдиг-у, лекин унинг нархи амалда қанча эканини билмас эдик. Уни фақат хомашё сифатида билардик, холос. Қайта ишланган пахта собиқ Марказга кетар, уни четга сотиш билан ҳам фақат Марказ шуғулланар эди.

Тасаввур қиласизми, мен ўша пайтда республика молия вазири бўла туриб олтин қазиб олиш бўйича СССРда иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистонда олтиннинг баҳоси қанча эканини аниқ билмас эдим. Юртимиз заминидан катта ҳажмда қазиб олинган турли нодир металлар, уран ва бошқа стратегик товарлар ҳақида ҳам бизда ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Мухтасар айтганда, собиқ тузум даврида Ўзбекистон ярим мустамлака даражасидаги республика эди. Энг ёмони, ўша пайтда юртимизнинг ўзида бironта ҳам мустақил бошқарув, режалаштириш идораси йўқ эди. Биз ҳатто солиқни қандай йиғиш, давлат хазинасини қандай тўлдириш, одамларни қандай боқиш кераклигини ҳам билмас эдик. Мустақиллик арафасида 20 миллиондан ортиқ аҳолимизни боқиш учун юртимизда бор-йўғи 15 кунга етадиган ун ва буғдой захираси қолган эди, холос. Буларнинг барчаси Ўзбекистон қандай оғир аҳволда, деярли жар ёқасига келиб қолганини кўрсатади.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Ана шундай ўта қалтис бир вазиятда бизга ким ёрдам берди? Ўзбек халқи дўст кулфатда билинишини ҳеч қачон унутмайди. Хитой халқида ҳам, ўзбек халқида ҳам дўст кулфатда, яъни оғир вақтда ёрдам қўлини чўзиши ҳақида мақоллар бор. Тилда бир гапни айтиб, дилида бошқа нарсани ўйлайдиган, амалда эса мутлақо бошқа ишни қиладиганларни албатта дўст деб бўлмайди.

Биз аҳолиси 1 миллиард 300 миллион кишини ташкил этадиган Хитойдек улкан мамлакатнинг стратегик шериги бўлиш масъулиятини яхши англаймиз. Бекиёс салоҳиятга эга бу мамлакат бир авлод ҳаёти давомида, тасаввур қилинг, иқтисодий ўсиш бўйича жаҳон миқёсида иккинчи ўринда турадиган давлатга айланди. Глобал тараққиёт локомотиви сифатида кўплаб муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда фақат иштирок этадиган давлатга эмас, айни пайтда, бу масалаларни ўзи мустақил ҳал эта оладиган қудратли мамлакатга айланди. Бундай давлатнинг стратегик ҳамкори бўлиш биз учун катта шараф.

Сизларга яхши маълум, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ватанимизга бу сафарги ташрифини тўғри пойтахтимиз Тошкент шаҳрига келишдан эмас, балки қадимий шаҳарларимиздан бўлган Бухоро билан танишишдан бошлашга қарор қилди.

Шуни айтиш керакки, юксак мартабали меҳмонимиз Бухорога келиб, Аркни зиёрат қилди ва унинг деворларидан юқорига кўтарилиб, бутун шаҳарни томоша қилди. Бу — мамлакатимизнинг бой тарихига, неча минг йиллик тараққиёт ва маданиятни ўзида мужассам этиб келаётган юртимиз заминига чуқур ҳурмат ифодасидир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Хитойнинг Сиань шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган. Келгусида Бухоро билан Хитой Халқ Республикасининг яна бир шаҳри биродарлашувига ишонаман.

Бугун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларининг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ўзаро ҳамкорлигимиз истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб берадиган кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг орасида Хитой томонидан Ўзбекистонга кредит сифатида 2,7 миллиард доллар ажратилиши ва умумий қиймати 6,2 миллиард долларлик объектлар қурилишини назарда тутадиган ҳужжатлар борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ана шундай муҳим келишувлар учун ўз номимдан, сизларнинг номингиздан Хитой Халқ Республикаси Раисига миннатдорлик билдираман.

Мен Си Цзиньпин жанобларининг «Биз Ўзбекистон Президенти билан бир-биримизни яхши тушунамиз» деган сўзларини такрорламоқчиман ва бундай юксак эътирофни ўзим учун катта шараф деб қабул қиламан. Бизнинг ҳар биримиз, айниқса, халқнинг ишончли вакиллари бўлган сиз, ҳурматли депутатлар Хитой билан ҳамкорликни қадрлашимиз ва бу ҳамкорлик юксак самара бериши учун янги йўлларни излаб топишимиз лозим.

Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Хитой халқининг фаровонлиги — бу Ўзбекистон халқининг фаровонлиги. Ўзбекистон халқининг фаровонлиги — бу Хитой халқининг фаровонлигидир.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Ислом Каримов!

Ҳурматли депутатлар, хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида бўлиб ўтган расмий музокаралар чоғида биз Президент Ислом Каримов билан Хитой ва Ўзбекистоннинг сиёсий жиҳатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий, суверенитет ва хавфсизлик масалалари бўйича энг муҳим манфаатларимизни биргаликда илгари суриш юзасидан келишиб олдик.

Биз давлатларимиз томонидан танлаб олинган ривожланиш йўлини ўзаро қатъий қўллаб-қувватлаймиз, сиёсий барқарорлик ва давлат ҳокимияти хавфсизлигини ҳамкорликда таъминлаймиз. Тараққиёт йўлидаги амалий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, ривожланиш стратегиясини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқалар имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари, инфраструктура, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича ҳамкорликни янада жонлантириш ишларини амалга оширамиз. Шунингдек, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни мазмунан тўлдириш мақсадида ҳамкорлик доирасидаги устувор лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашни янада оширишга, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизлик бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамда халқаро майдондаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтиришга аҳамият қаратамиз.

Хитойда «Дўстинг қанча кўп бўлса, йўлинг шунча кенг бўлади», деган мақол бор. Олий Мажлис аҳоли турли қатламларининг энг нуфузли вакилларини ўзида мужассам этади, сиз эса, ҳурматли депутатлар — Хитой халқининг дўстларисиз. Ўйлайманки, сиз келажакни кўра билган ҳолда, Хитой — Ўзбекистон алоқаларини янада равнақ топтиришга, ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаш ва дўстлигимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшасиз.

Хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Ўзбекистонга ташрифим кун тартибидан яна бир муҳим тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида иштирок этиш ҳам ўрин олган. Жорий йилда ташкилотимиз тузилганига 15 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида ШҲТ «Шанхай руҳи»ни, яъни, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенг ҳуқуқлилик, маслаҳатлашувлар, маданиятлар рангбаранглигига ҳурмат ва ҳамкорликда тараққиётга интилиш тамойилларини ривожлантира бориб, халқаро муносабатларнинг очиқлик, ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва умумий ютуқларга эришиш принциплари асосидаги янги намунасини фаол илгари сурган ҳолда минтақа барқарорлиги ва фаровонлигига муҳим ҳисса қўшди. Ташкилот такомиллашгани сари кенгайиб бормоқда ва бугунги кунда ШҲТ оиласида Марказий, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган 18 та давлат мавжуд. Ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг салоҳияти тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Унинг халқаро майдондаги мақоми ва таъсири тобора ошмоқда.

Ўзбекистон ШҲТга раислик қилган мамлакат сифатида Ташкилот доирасида йўлга қўйилган кўп қиррали ҳамкорликда амалий натижаларга эришишда улкан ҳисса қўшди. Бунинг учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Хитой томони ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳамда Ташкилотга аъзо бошқа давлатлар билан Тошкент саммитини янги старт нуқтаси сифатида қабул қилиб, минтақа мамлакатлари ва халқлари равнақи йўлида ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик даражасини ҳар томонлама юксалтиришга тайёрдир.

Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий ўз шеърида айтганидек, «мен халқим бахтли ва фаровон яшашини истайман». Бу эзгу истакни бизнинг умумий мақсадимиз ва абадий орзу-ниятимиз деб ҳисоблайман. Шунингдек, Хитой ва хитой халқи Ўзбекистон ҳамда дунёдаги бошқа барча мамлакатлар халқлари билан биргаликда инсоният тинчлиги ва тараққиётига хизмат қилишдек олий мақсад йўлида доимо қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишга тайёр эканини билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

25

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАНОТЛАРИ

3

МУНОСАБАТ

■ Ишонч билан айтиш керакки, Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларида янги саҳифа очади ва мамлакатларимиз барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси юксалишига янада кенг имконият яратди.

Хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги муҳим ҳамкорлик

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами тобора яқинлашаётган ҳаяжонли шу кунларда мамлакатимиз ҳаётида бири-биридан муҳим, қувончли ва тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Куни кеча якунланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси, унда бугунги куннинг ўта муҳим вазифалари билан боғлиқ қатор масалалар бўйича ҳужжатлар имзоланган, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг давлат ташрифи билан мамлакатимизга келиши, икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш кўзда тутилган ҳужжатлар имзоланган барчамизни бирдек қувонтирди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида қурилган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг очилиши иқтисодий куч-қудратимиз, халқимиз интеллектуал салоҳиятининг яна бир ўзига хос намойиши, тараққиётимиз асоси мустаҳкамлигининг ёрқин мисоли бўлди.

Булар ҳаммаси кишини қувонтиради, албатта. Аммо бу каби ютуқларни юксалтириш, иқтисодий ҳамкорлигимизни янада кучайтириш учун аввало тинчлигимизни асрашимиз керак бўлади. Бунинг учун эса глобаллашув жараёнлари тезлашиб, турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги шароитда хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш талаб этилмоқда. Шунинг учун ҳам давлатлараро тузилмалар — халқаро ташкилотлар фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро муносабатларга киришади. ШҲТ минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини англаган ҳолда мамлакатимиз ушбу ташкилотга аъзо бўлди, бугунга келиб унинг фаол иштирокчисига айланди.

2001 йилнинг июнида Шанхайда бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон янги ташкилот — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг таъсисчиларидан бири бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг ШҲТдаги иштироки мазкур ташкилотнинг кейинги ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон ҳозирга қадар ташкилотга икки маротаба, яъни 2003 — 2004 ва 2009 — 2010 йиллар давомида раислик қилган. Айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ШҲТ фаолиятини такомиллаштириш, турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги кўпгина муҳим ҳужжат ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон раислиги даврида — 2010 йилнинг апрелида муҳим тарихий воқеа рўй берди: БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Тошкентга ташрифи чоғида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

Бу ҳужжат долзарб масалаларнинг ҳал этилишида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун мустаҳкам замин яратгани ҳолда икки ташкилотнинг расмий ҳамкорлигига асос солди. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиш маросимида БМТ раҳбари Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислигига юксак баҳо бериб, Қўшма декларациянинг жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг кўпгина долзарб масалалари ечими учун фавқулодда муҳим эканлигини эътироф этди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, «Шанхай руҳи» — ўзаро ишонч, тенглик, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат руҳидир. Ушбу тамойилларга таяниб фаолият юритаётган ШҲТ халқаро муносабатлар замонавий тизимининг йирик ва нуфузли иштирокчиси сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Қолаверса, биргаликда ривожланиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасида самарали ҳамкорликнинг ёрқин мисоли сифатида ўзини намоён этди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги муносабатлар ҳақида гап борганда, Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги дўстона алоқаларга алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ташрифи чоғида икки мамлакат ўзаро ҳамкорлигининг юксак самаралари таъкидлаб ўтилди, истиқболига катта ишонч билдирилди. Мамлакатимиз Президенти Хитойнинг жаҳон миқёсидаги роли ва салоҳиятига ҳамда стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигига юксак баҳо берди. ХХР Раиси ҳам барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги азалдан давом этаётган ўзаро савдо ва маданий муносабатлар бугун янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик — сиёсат, иқтисодиёт, савдо ва саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби муҳим соҳаларни қамраб олган. Эътироф этиш керакки, ушбу самарали ҳамкорлик Стратегик шериклик тўғрисида Қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма декларация каби ҳужжатлар асосида изчил ривожланмоқда.

Шунингдек, икки давлат раҳбарларининг дунё миқёсидаги глобал муаммолар, халқаро терроризм, диний экстремизмга қарши кураш, минтақада ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига қараш-лари ҳам бир хиллиги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айланмаси ҳажми 2015 йилда 4 миллиард долларни ташкил этган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 5 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестиция ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Қатор қўшма йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу ҳамкорлик партиямизнинг аҳоли бандлиги барқарор ўсишини таъминлаш борасидаги дастурий вазифаларини амалга оширишда муҳим омил бўлган янги иш ўринлари ташкил этишга, ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдиришга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмининг ортишига, халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Ишонч билан айтиш керакки, ХХР Раисининг мамлакатимизга мазкур давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларида янги саҳифа очади ва мамлакатларимиз барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси юксалишига янада кенг имконият яратади.

Бутун жаҳонда эътироф этилаётган бугунги ютуқлар халқимизнинг ижтимоий онги, сиёсий маданияти юксалгани, унинг меҳнатга муносабати ўзгаргани, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини яна бир тасдиғидир.

Шу билан бирга, парламент фаолиятини ривожлантиришга берилаётган эътибор, унинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича кўрсатилаётган ташаббуслар парламент олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишига эришишда Олий Мажлис палаталарига берилаётган ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳотамжон КЕТМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

«ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛИШИ КЕРАК

ЎзХДП фракцияси Демократик кучлар блокининг қонун лойиҳаси бўйича билдирган айрим фикрларига қўшила олмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида барқарор ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан, шу жумладан, биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган изчил ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

Бу борада Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, она табиатни асраб-авайлаш, бу борада кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 26 апрелида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида янги таҳрирда киритилган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси партиямиз фракцияси аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Амалдаги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонларнинг генофондини комплекс муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга ҳамда қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1997 йилда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз ҳудудида яшайдиган ҳайвонот олами, шу жумладан, кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонлар популяцияларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган — асосий принциплардан бири — бу давлатнинг тартибга солувчилик ролини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, фракциямиз аъзолари томонидан қонун лойиҳасини ўрганиб чиқиш жараёнида лойиҳада ушбу масалага ваколатли давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари тўғрисидаги нормаларнинг киритилиши мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, фракциямиз қонун лойиҳасининг айрим моддалари бўйича ўзининг аниқ қатъий позицияси ва таклиф-мулоҳазаларини ишлаб чиқди.

Масалан, **Демократик кучлар блоки фикрича**, ҳайвонот дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш механизмларини такомиллаштириш зарур. Уларнинг фикрича, амалдаги Қонуннинг 8-моддасида ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастри масалаларига оид нормалар белгиланган бўлиб, унда ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилган. Ушбу ишларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилишини белгиловчи нормаларнинг киритилиши бугунги кунда республика ва маҳаллий даражадаги табиатни муҳофаза қилиш фондлари маблағлари ҳамда турли грант маблағларидан фойдаланиш имконини яратади.

Бироқ фракциямиз фикрича, бу ишлар фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши зарур, табиатни муҳофаза қилиш фондларининг маблағларидан эса Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг моддий-техник базасини кучайтириш мақсадида фойдаланиш керак.

Шу билан биргаликда, қонун лойиҳасининг 14-моддасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирлари белгилаб берилган бўлиб, унда ушбу тадбирларда иштирок этувчи ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига етарли эътибор қаратилмаган. Фикримизча, қонун лойиҳасининг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирлари белгиланган нормаларида **Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мансабдор шахсларининг мураккаб ва ноқулай табиий иқлим шароитларида меҳнат қилишларини инобатга олиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини мустаҳкамлаб қўйиш лозим.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-Демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан илгари сурилаётган айрим моддаларни қонун лойиҳасидан чиқариб ташланиши тарафдоримиз. Бинобарин, қонун лойиҳасининг 22-моддасида ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланилишини, шунингдек, унинг яшаш муҳити муҳофаза қилиниши ва ҳолати яхшиланишини таъминлаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқ ҳамда бошқа имтиёзлар бериш йўли билан амалга оширилиши белгиланган. Бироқ ҳеч бир мамлакат амалиётида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш ёки унинг яшаш муҳити муҳофаза қилиниши ва ҳолати яхшиланишини таъминлаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларга имтиёз қўлланилишига оид меъёр мавжуд эмас.

> Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг моддий-техник базаси ва табиатдан фойдаланувчилар фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи ходимларни зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашни кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Табиатни асраш, ундан оқилона фойдаланиш инсониятнинг асосий бурчи ҳисобланади, бундай ҳаракатни асло даромад манбаи ёки иқтисодий наф келтирувчи вазифага айлантириб бўлмайди. Шу сабабли ҳам ушбу моддани қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш керак, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг 36-моддаси тўртинчи қисмида ов қилишда тақиқланган қуроллар ва ов қилиш усулларини қўллашга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Лекин, шу билан бирга, ов қилишнинг тақиқланган қуроллари ва усуллари лойиҳада аниқ кўрсатилмаган ёки ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуроллари ва усуллари кимлар томонидан белгиланиши очиб берилмаган. Бундай ҳолат ушбу нормани турлича талқин қилиш ва қўллашга шароит яратиши мумкин. Шу сабабли мазкур моддада ушбу масалани аниқ белгилаш лозим, деб ўйлаймиз.

> Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мансабдор шахсларининг мураккаб ва ноқулай табиий иқлим шароитларида меҳнат қилишларини инобатга олиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

Муҳокамалар чоғида қонун лойиҳасининг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласини белгиловчи 49-моддасида, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг бузилиши кенг тарқалган хусусиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Умуман олганда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотига кўра, республикамизда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, табиатни муҳофаза қилишга оид жами қонунбузарликларнинг 40 фоизга яқинини ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, қонунчиликда мазкур масала юзасидан жавобгарликни белгилаш билан чегараланмасдан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, қонун ҳужжатлари бузилиши олдини олиш самарадорлигини янада ошириш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан, **Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг моддий-техник базаси ва табиатдан фойдаланувчилар фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи ходимларни керакли жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашни кучайтириш зарур,** деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фракциямиз томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

«ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ПАРТИЯМИЗ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?
(3-мақола)

■ Бугунги кунда давлатимиз рамзлари туширилган замонавий ҳаво кемалари жаҳон бўйлаб парвоз қилар экан, бу барча юртдошларимиз қалбига ғурур-ифтихор бахш этади.

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАНОТЛАРИ

Йиллар ва парвозлар

1992 йил

Президент Ислом Каримов 28 январда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

Халқаро йўналишларни ўзлаштиришга киришилди. Лондон, Карачи, Деҳли, Куала-Лумпур, Тель-Авив ва Пекинга қатновлар йўлга қўйилди.

1993 йил

7 майда Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси жорий этилди.

16 июнда «Тошкент» халқаро аэропорти Миллий авикомпания томонидан молиявий лизингга олинган дастлабки «А-310» аэробусини қабул қилди.

Франкфурт ва Бангкокка қатновлар очилди.

1994 йил

«А-310» иккинчи аэробуси харид этилди.

Афина, Манчестер ва Сеулга қатновлар очилди.

1995 йил

Миллий авиакомпания тарихидаги муҳим воқеа Тошкент — Нью-Йорк қитъалараро йўналиши очилди.

«Тошкент» халқаро аэропортида янги автоматлаштирилган Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш марказига пойдевор қўйилди.

1996 йил

30 ноябрда Ўзбекистон пойтахтига биринчи «Боинг-767» ҳаво кемаси келиб қўнди.

Авиакомпания Учувчилар мажмуасида «А-310» ва «Боинг-767» учувчилар отрядлари ташкил этилиб, Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш маркази ишга тушди.

«Самарқанд» халқаро аэропорти реконструкцияси бошланди.

1997 йил

Авиакомпания парки иккита «Боинг-767» ва ўрта масофага учувчи «RJ-85» ҳаво кемалари билан тўлдирилди.

1998 йил

«А-310» учинчи аэробуси олинди. Париж ва Даккага қатновлар очилди. Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази тузилди.

Европа сифат сертификати — JAR-145 олинди.

1999 йил

Иккита янги «Боинг-757-200» олинди.

2000 йил.

Рим, Бирмингем, Амритсарга янги авиайўналишлар очилди.

Авиакомпания халқаро авиация хавфсизлиги фондининг «Парвозлар хавфсизлиги учун» Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

2001 йил

Японияга янги халқаро йўналиш: Тошкент — Осака қатнови очилди

2002 йил

«А-310» ва «Боинг-767/757» самолётларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича иккинчи Европа сифат сертификати олинди.

Авиатаъмирлаш корхонасининг имкониятлари кенгайиб, техник хизмат кўрсатиш бўйича халқаро бозорга йўл очилди.

Тошкент авиатаъмирлаш заводи «Uzbekistan Airways Tehnics» корхонасига айлантирилди. Осака орқали Токиога қатнов очилди.

2003 йил

Авикомпания янги «Боинг-767-300 ER» йўловчилар ҳаво кемасини харид қилди.

26-халқаро Москва анжуманида «Тошкент» халқаро аэропорти 2003 йилнинг энг яхши аэропорти, деб топилди, «Самарқанд» аэропорти ҳам шундай номга сазовор бўлди.

2004 йил

Яна битта «Боинг-767-300 ER» ва учта «Боинг-757-200» самолётлари олинди.

Авиакомпания парки жаҳон етакчи ишлаб чиқарувчиларининг 16 самолётига эга бўлди.

Рига, Шанхай, Остонага қатновлар очилди.

Ҳар бир мамлакатни дунёга танитадиган ва халқаро алоқаларни таъминлайдиган воситалар орасида фуқаро авиацияси алоҳида ўрин тутади. Тезликда унга тенг келадиган транспорт воситаси йўқ. Минглаб километр масофа саноқли фурсатда босиб ўтилади. Ҳаво кемалари нафақат шаҳарлар ва мамлакатлараро йўловчи ташийди, балки юртларни ва халқларни бир-бири билан ўзаро боғлайди, энг муҳими, ўзи мансуб бўлган давлатнинг номини дунёга ёяди.

Чунки халқаро йўналишда парвоз қиладиган самолётлар қанотига давлат байроғи тасвири солинган, ёнига мамлакат номи ёзиб қўйилган. Халқаро аэропортлардаги электрон таблоларда Нью-Йорк, Лондон, Париж, Пекин, Токио, Москва, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч деган номлар такрор ва такрор ёзилишини бир кўз ўнгингизга келтиринг...

Юртимиз ўз озодлигини қўлга киритгач, орадан кўп ўтмай, миллий авиакомпаниямизнинг ташкил этилиши мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган дастлабки муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу борада Юртбошимиз ташаббуси билан танланган стратегик йўл нечоғли тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатди.

Бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш даврининг мураккаб қийинчиликларига қарамай, ёш давлатимиз барча соҳаларга, жумладан, фуқаро авиацияси тизимини ислоҳ қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳам катта аҳамият берди. Президентимиз томонидан 1992 йил 28 январда имзоланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонда учувчилар зиммасига мамлакатимиз учун стратегик соҳа ҳисобланган фуқаро авиациясини барқарор ривожлантириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш вазифаси юкланди. Бу ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифа эди. Чунки ўша кезларда собиқ тузум ҳудудида пайдо бўлган янги мустақил мамлакатларнинг кўпчилигида фуқаро авиацияси давлат кўмагидан маҳрум бўлган, «Аэрофлот» негизида тузилган заиф авиакомпанияларнинг аксарияти инқирозга юз тутганди. Ўзбекистонда эса, Миллий авиакомпанияни ташкил этиш, мустаҳкамлашни давлат ўз зиммасига олди. Шу боис, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» тезда жаҳон авиаташувлар бозорида ном чиқарди. Бунга эришиш осон бўлгани йўқ, албатта. Бизнес бўйича ҳамкорлар ва рақобатчилар ўртасида ўз ўрнини топиш учун катта куч-ғайрат, маблағ сарфлашга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг минтақавий авиакомпаниялар билан рақобатлаша оладиган миллий авиакомпанияни яратиш йўлидаги қадами аввалига баъзиларда шубҳа уйғотди, чунки авиакомпанияга эски ҳаво кемалари ва яроқсиз ҳолга келиб қолган ускуналар мерос бўлиб қолганди. Бунинг устига, кўпгина йўналишларни Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси рамзи остида янгидан очиш зарур эди. Бошқача айтганда, мустақил Ўзбекистон олдида йўловчи ва юкларни ташийдиган замонавий ва қудратли ҳаво флотини яратиш вазифаси турарди. Бунинг учун эса, замонавий янги техникадан ташқари, авиабозорни яхши билиш, кескин рақобат муҳитида мўлжални тўғри олиш, энг асосийси, ҳаво кемаларини маҳорат билан бошқарадиган, ерда малакали техник хизмат кўрсатадиган, ҳамкорлар билан музокаралар олиб борадиган ва табиийки, авиаташувчи тизимнинг келажагини аниқ режалаштирадиган етук мутахассисларни тайёрлаш талаб этиларди.

1993 йилнинг 16 июнида мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. «Тошкент» халқаро аэропортига «Эрбас Индастри» компаниясида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи ва «UZBEKISTAN» ёзуви туширилган илк «А-310» самолёти келиб қўнди...

Мамлакатимиз раҳбарияти ва миллий авиакомпания мутасаддилари авиапаркни янгилаш йўлида ўз куч-ғайратларини аямаганлиги натижасида ўзбек учувчилари жаҳон авиаташувлар бозорида наинки мустаҳкам ўрин эгаллашга, балки парвозлар ва йўловчилар хавфсизлигини талаб даражасида таъминлашга эришдилар.

Маълумки, авиакомпаниянинг қандай ҳаво кемаларидан фойдаланаётганига қараб, давлатнинг иқтисодий салоҳияти ва ҳамкорлик имкониятларига баҳо берилади. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан авиапарк босқичма-босқич модернизация қилинди. Жумладан, сўнгги йилларда ўнта «А-320», тўртта «Boeing-767-300 ER» самолёти «Ўзбекистон ҳаво йўллари» лайнерлари сафидан ўрин олди. Юртимизда ишлаб чиқарилган олтита замонавий ва маҳаллий шароитларга мос бўлган «Ил-114-100» ҳаво кемаларидан ҳам самарали фойдаланилаяпти.

Қувончлиси, жорий йил сентябрь — ноябрь ойларида миллий авиакомпаниямиз дунёдаги саноқли давлатлар авиаташувчилари қаторида биринчилардан бўлиб, энг замонавий иккита «Орзу лайнери» — «Boeing-787— 8 Dream-Liner» билан таъминланади. Энг узоқ масофага учувчи замонавий ҳаво кемаси инновацион технологиялар асосида яратилган бўлиб, юқори иқтисодий самарадорликка эга. Ушбу ҳаво кемаси олис ва ўта олис халқаро йўналишларда, чунончи «Тошкент — Нью-Йорк» қатновида узлуксиз парвозларни амалга оширишга имкон яратади ва бу албатта мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз пойтахтидан Осиё ва Европа, Америка ва Японияниинг 40 дан ортиқ шаҳарларига парвозларни бажараётган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, уларнинг доимий созлигини таъминлаш авиакомпания фаолиятида бош мезон ҳисобланади. Юқори даражадаги техник база ва малакали мутахассисларга эга бўлган «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасида нафақат миллий авиакомпания, балки хорижий авиакомпаниялар самолётларига техник хизматлар кўрсатилмоқда. Жорий йил бошида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Boeing» корпорацияси ҳамкорлигида самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш маркази ҳам иш бошлади. Ярим миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобидан авиакорхонага титанли эритмаларни қайта ишлаш ва эҳтиёт қисмларни тузатиш учун инерт муҳитли печлар ҳамда барча турдаги самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш учун зарур жиҳозлар тўпламлари етказиб берилди. Ушбу марказ мамлакатимиз фуқаро авиациясини янада ривожлантириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамдир. Боиси, бугунги кунда жаҳон авиасаноатида композит материаллардан кенг фойдаланилаётир. Чунончи, «Орзу лайнери» фюзелажининг эллик фоизи шундай материаллардан таркиб топганлиги ҳисобига оғирлиги сезиларли даражада камайтирилган. Бу эса парвозлар самарадорлиги ошишига хизмат қилади. Шундай лигимиздан мамнунмиз, — дейди **«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директорининг биринчи ўринбосари Акмал Акбаров.** — Авиакомпаниямиз ер куррасининг исталган нуқтасига, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида парвозларни муваффақиятли таъминламоқда. Бунда аҳил жамоамиз, ажойиб мутахассисларимизнинг хизматлари катта бўлаяпти. Миллий авиакомпаниямизда 30 ёшгача бўлган салкам тўрт минг нафарга яқин ёшлар меҳнат қилаётгани жуда қувончлидир. Улардан 31 нафари турли раҳбарлик лавозимларида ишлаяпти. Ёш учувчилар, муҳандис ва диспетчерлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Булар, албатта, Ўзбекистон авиацияси келажагининг бунёдкорларидир.

Дарҳақиқат, Миллий авиакомпаниямиз жамоаси стратегик аҳамиятга молик фуқаро авиациясининг барқарор ривожланиши, парвозлар хавфсизлиги ва йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишни таъминлаш вазифасини муваффақиятли амалга оширмоқда. Демак, Миллий авиакомпаниямизнинг жаҳон авиабозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланиб бораверади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

> 1993 йилнинг 16 июнида мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. «Тошкент» халқаро аэропортига «Эрбас Индастри» компаниясида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи ва «UZBEKISTAN» ёзуви туширилган илк «А-310» самолёти келиб қўнди...

Ўзбекистон осмонида ўнлаб ҳаво йўналишлари кесишади. Шу боис, барча учиб ўтаётган ҳаво кемаларига ишончли диспетчерлик кузатуви зарур. Энг замонавий диспетчерлик ва радиолокация тизимлари билан жиҳозланган «Ўзаэронавигация» маркази парвозлар хавфсизлигини таъминламоқда. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимида мамлакатимиз ҳаво кенгликларидан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш ва парвозлар хавфсизлигини янада оширишга хизмат қилувчи RVSM (вертикал эшелонлашнинг қисқартирилган минимуми) ва QNH (бутун жаҳон парвоз баландлигини ҳисоблаш) янги тизимлари жорий этилди. Ўзбек авиадиспетчерларининг юксак касб-маҳорати бутун авиация ҳамдўстлиги томонидан эътироф этилган. Айтиш лозимки, ўтган йиллар мобайнида улар хизмат кўрсатаётган ҳаво йўналишлари масофаси икки мартадан кўпроққа ошган. Марказ хизматларидан 200 га яқин хорижий авиакомпания фойдаланмоқда.

— Биз авиаташувчилар бозорида энг ишончли компания эканлигимиздан мамнунмиз, — дейди **«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директорининг биринчи ўринбосари Акмал Акбаров.** — Авиакомпаниямиз ер куррасининг исталган нуқтасига, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида парвозларни муваффақиятли таъминламоқда. Бунда аҳил жамоамиз, ажойиб мутахассисларимизнинг хизматлари катта бўлаяпти. Миллий авиакомпаниямизда 30 ёшгача бўлган салкам тўрт минг нафарга яқин ёшлар меҳнат қилаётгани жуда қувончлидир. Улардан 31 нафари турли раҳбарлик лавозимларида ишлаяпти. Ёш учувчилар, муҳандис ва диспетчерлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Булар, албатта, Ўзбекистон авиацияси келажагининг бунёдкорларидир.

Дарҳақиқат, Миллий авиакомпаниямиз жамоаси стратегик аҳамиятга молик фуқаро авиациясининг барқарор ривожланиши, парвозлар хавфсизлиги ва йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишни таъминлаш вазифасини муваффақиятли амалга оширмоқда. Демак, Миллий авиакомпаниямизнинг жаҳон авиабозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланиб бораверади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2005 йил

Авиакомпания Жаҳон хавфсизлик жамғармаси Президентининг «Парвозлар хавфсизлиги соҳасидаги муваффақиятлари учун» Фахрий дипломига сазовор бўлди.

2006 йил

Тошкент — Урумчи — Тошкент йўналиши бўйича мунтазам қатновлар йўлга қўйилди.

2007 йил

«Боинг» корпорацияси билан иккита «Боинг-787-8 Dreamliner», «Airbus» консорциуми билан олтита «А-320-200» самолётларини етказиб бериш бўйича битимлар имзоланди.

Авиакомпания халқаро парвозлар харитасида янги йўналишлар: Милан — Тошкент, Тошкент — Коҳира — Афина — Тошкент, Тошкент — Сочи — Тошкент пайдо бўлди.

Ушбу шаҳарларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ваколатхоналари очилди.

2008 йил

Юк авиаташувлари бўйича жаҳондаги етакчи авиакомпания — «Korean Air»га «Навоий» аэропорти бошқарувини бериш бўйича битим имзоланди. Корея авиакомпанияси Навоий шаҳри ҳаво бандаргоҳи орқали юк ташувларини бошлади.

Милан орқали Женевага мунтазам қатновлар бошланди.

2009 йил

Авиакомпания парки ўзимизда ишлаб чиқарилган иккита «Ил-114-100» ҳаво кемаси билан тўлдирилди.

«Бухоро» халқаро аэропорти фуқаро авиацияси «Аэропорт» халқаро ассоциациясининг «МДҲ мамлакатларининг йилнинг энг яхши аэропорти» танлови ғолиби бўлди.

2010 йил

Авиакомпания парки бешта янги «А-320» самолётлари билан тўлдирилди.

«Навоий» халқаро аэропортида янги юк ташиш терминали очилди.

Мадрид ва Калининградга янги қатновлар очилди.

2011 йил

Авиакомпания парки янги «А-320» самолётлари билан тўлдирилди. «Бухоро» халқаро аэропортида янги юк терминали очилди.

«Тошкент» халқаро аэропортида янги маҳаллий авиайўналишлар аэровокзали ишга тушди.

2012 йил

Янги замонавий «В-767» лайнери қабул қилинди. Навоий шаҳрида янги йўловчилар терминали фойдаланишга топширилди.

МАК Нотижорат ҳамкорлик ташкилотининг «Парвозлар хавфсизлиги» мукофоти лауреати ҳамда «Flight Safety Fondation» парвозлар хавфсизлиги Халқаро фондининг парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича дипломи соҳиби бўлди.

2013 йил

Авиакомпания авиапарки иккита янги «Boeing-767» самолётлари билан тўлдирилиб, бу билан янги тўртта самолёт олиш дастури ўз ниҳоясига етказилди.

Авиакомпаниянинг барча аэропортлари халқаро мақомга эга бўлди.

2014 йил

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси IATA – Ҳаво транспорти халқаро ассоциациясига аъзо бўлди.

Миллий авиакомпанияда йўловчи самолётидан юк ташиш авиалайнерига қайта жиҳозланган иккита «Boeing-767-300 BCF» ҳаво кемасидан фойдаланишга киришилди.

2015 йил

«Бухоро», «Самарқанд» ва «Урганч» аэропортлари фуқаро авиацияси «Аэропорт» халқаро ассоциациясининг «МДҲ мамлакатларида йилнинг энг яхши аэропорти» нуфузли танловининг турли хил номинацияларида ғолибликни қўлга киритди.

2016 йил

5 январда маҳаллий йўналишлардаги қатновларда авиабилетларни онлайн брон қилиш ва сотиб олиш хизмати ишга туширилди.

28 январда «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасида самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш маркази очилди.

Сентябрь-ноябрь ойларида авиакомпания парки иккита «Boeing-787-8 Dreamliner» самолётлари билан тўлдирилиши режалаштирилган.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

2016 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ — НОЯБРЬ ОЙЛАРИДА АВИАКОМПАНИЯ ПАРКИ ИККИТА «BOEING-787-8 DREAMLINER» САМОЛЁТЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

РАНГ-БАРАНГ ЯНГИЛИКЛАР

СПОРТ

Бугун 1/4 финал баҳслари бошланади. Унда Польша — Португалия терма жамоалари майдонга тушади.

Олдинда — чорак финал!

Францияда футбол бўйича давом этаётган Европа чемпионати «плей-офф» босқичи учрашувлари мухлисларга қатор кутилмаган натижаларни тақдим этди.

1/8 финалнинг дастлабки ўйинида Швейцария — Польша терма жамоалари майдонга тушди. Асосий вақтда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Голиб пенальтилар орқали аниқланди. Омад польшаликларга кулиб боқди — 4:5.

Иккинчи жуфтлик — Хорватия — Португалия терма жамоалари баҳсида ҳам мухлислар қўшимча таймлар гувоҳи бўлишди. Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганида португалияликлар томонидан киритилган ягона гол уларга чорак финал йўлланмасини тақдим қилди — 0:1.

Нимчорак финалнинг яна бир учрашувида Уэльс вакиллари Шимолий Ирландия футболчиларидан устун келди — 1:0.

Эътиборли жиҳати, 1/8 финалнинг икки учрашувида йирик ҳисоблар қайд қилинди: Венгрия — Бельгия — 0:4, Германия — Словакия — 3:0.

Мазкур босқичда мезбонлар — Франция футболчилари Ирландия терма жамоаси устидан ғалабага эришди — 2:1.

Аксарият мухлислар амалдаги Европа чемпиони — Испания футболчиларидан нимчорак финалда ҳам ғалаба кутишаётганди. Бироқ улар Италия терма жамоасига қарши кечган баҳсда ўз дарвозалари тўридан жавобсиз иккита тўп олиб чиқишга мажбур бўлдилар — 0:2. Мусобақа дебютантларидан бири — Исландия вакиллари чорак финал йўлланмаси

учун кечган баҳсда Англия «чарм тўп» усталарини (2:1) енгиб, баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тақвимга кўра, 30 июнь куни 1/4 финал баҳслари бошланади. Унда Польша — Португалия терма жамоалари майдонга тушади. 1 июлда бўладиган Уэльс — Бельгия жуфтлиги баҳси яна бир ярим финалчи номини аниқлаб беради. 2 ва 3 июль кунлари бўладиган баҳсларда эса қуйидаги жамоалар майдонга тушади: Германия — Италия, Франция — Исландия.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқаро стандарт, сифат

бош мақсадимиз

Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича бир қанча қонуности ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2009 йил 19 июндаги «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатбардошлигини оширишга қаратилгандир.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган ва сифат жиҳатидан дунёнинг етакчи компаниялари товарлари билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотларимиз жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинаётгани фикримиз исботидир.

Ушбу ютуқларда «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг қуйи бўғинлардаги идораларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Биргина ўлчов воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини лицензиялаш, ўлчов воситаларини таъмирлаш фаолиятини аккредитация қилиш, метрологик таъминот тўғрисидаги хулосаларни бериш тартиби бекор қилиниши эвазига вилоятда шу йуналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг тегишли лицензия ва рухсатномаларсиз ишлашлари учун имконият яратилди.

Бундан ташқари, стандартлаштириш соҳасидаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши натижасида ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш муддатлари 15 кундан 10 кунгача, давлат рўйхатидан ўтказиш 5 кундан 3 кунгача қисқартирилди. Мажбурий стандартлар тоифалари ҳам 9 тадан 4 тагача камайтирилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилашга эришишдир.

2015 йилда вилоятдаги 54 корхонага сифатни бошқариш тизимлари жорий этилди. Бу 2012 йилга нисбатан 2,5 баробарга кўпдир.

Жорий йилда сифат инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида яна 36 корхонада сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш режалаштирилган. Ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг барчаси билан шартномалар имзоланган бўлиб, бугунги кунда 24 корхонада халқаро стандарт ИСО 9001 сифат тизими жорий қилинди ва сертификатлаштириш идораси томонидан сертификатланди.

Бухоро стандартлаштириш ва метрология бошқармаси қошида экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда стандартлар, маҳсулотни сертификатлаш, ёрлиқлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатувчи «маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси» ташкил этилди. «Ягона дарча» тамойили остида ташкил этилган «Тадбиркорлар маркази»га марказнинг мутахассислари бириктирилди. Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш ва сифат тизимларини жорий қилишда қулайликлар яратиш мақсадида бошқарма ва марказнинг веб-сайти орқали онлайн тарзда ариза ва мурожаатларни қабул қилиш тизими яратилди.

Тоҳир САЛОМОВ, Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори. Абдураҳмон МУХТОРОВ, Бухоро стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи.

«Умра-2016»

мавсуми бошланди

25 июнь куни эрталаб Умра зиёратига отланган ҳамюртларимизни биринчи гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар бермоқда.

Уларни кузатиш маросимида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда бир қатор вазирлик ва ташкилот вакиллари иштирок этишди.

Зиёратчилар билан бирга, ишчи гуруҳи аъзолари ҳам жўнаб кетди.

Ҳамюртларимиз Мадина шаҳридаги 4 юлдузли замонавий «Мавадда Нур», Макка шаҳрида эса, «Нама мавадда» меҳмонхоналарида истиқомат қилади.

2017 йилдан

олий таълим муассасаларига абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш муддати ўзгаради

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг қарорида баён қилинган.

Унга кўра, ушбу жараён 15 июнда бошланиб, 15 июлга қадар давом этади.

«Ур, тўқмоқ!»

Мобиль ускуналар учун мўлжалланган ушбу ўйин «Ур, тўқмоқ!» ўзбек халқ эртаги асосида ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулк агентлигининг матбуот хизмати берган хабарга кўра, мазкур ўйин 3 босқичдан иборат.

«Ур, тўқмоқ!» фарзандларимизни миллий эртак ва ўйинларга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади. Ўйин янада қизиқарли бўлиши учун эртакдан ташқари объектлардан ҳам фойдаланилган.

Ўйин дастурчилар Низомиддин Болтабоев, Аваз Мирзаев ва Сирожиддин Халилов томонидан яратилди. Муаллифларга № ДГУ 03642 рақамли гувоҳнома берилди.

РЕКЛАМА

Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга

ТЕНДЕР (КОНКУРС) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Тендер (конкурс)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Чўпонота, 7-уй. тел: (8-371) 250-40-56, 250-29-81 элек.почта: tvssb1@inbox.uz akbar1109@inbox.uz

Банк реквизитлари:

Молия вазирлигининг ғазначилик умумий ҳисоб рақами р/с:23402000300100001010 Тошкент шаҳар марказий Банк Бош бошқармаси МФО:00014 ИНН:201122919 л/с: 400121860272877950100054001 (Тендер ҳужжатларини олиш) л/с: 400121860272877950100054001 (Гаров пули ўтказишга шартномалар тузиш учун) л/с: 10002186027287707213005400 1 (Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун) ИНН:200555593 ОКОНХ:97400

Ретендер (конкурс) предмети:

— Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари, тиббий ашёлар ва сарфлов материаллари, дизинфекцияловчи ва антисептик воситалар, жами бўлиб 44 турдаги дори-дармон ва тиббий ашёлар.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Етказиб бериш шартлари:

— барча етказиб берувчилар учун: Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойдаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш муддатлари: тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (конкурс) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш учун талабгорларнинг малакали танлови ўтказилади.

Тендер (конкурс) ҳужжатларининг сотиб олиш баҳоси 100000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори берилаётган таклифи миқдорига қараб таклифнинг 5 фоизгача миқдорини ташкил этади.

Тендер (конкурс) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Тошкент вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади:

Тендер (конкурс) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 5 июль 2015 йил соат 15.00 (маҳаллий вақт билан) гача.

Тендер (конкурс) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил — вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS: O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219 nusxada bosildi.

Nashr ko`rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21:15
Topshirilgan vaqti — 23:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5